

Ш . П и д а е в



# ҚАДИМИЙ ТЕРМИЗ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ  
АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**Ш. ПИДАЕВ**

**ҚАДИМИЙ ТЕРМИЗ**

**Тошкент  
«ФАН»  
2001**

*Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарлари орасида ўзининг асрани тарихи ва юксак тараққий қилган маданияти билан Термиз алоҳидаги ўрини эгаллайди. Термизнинг дарё кечувига ўрнида ва савдо йўлларининг чорраҳасида жойлашгандиги унинг қадимиги ва ўрта аср Ўрта Осиё давлатлари таркибидаги аҳамиятини ва тарихини белгилаб берди. Рисолада кўхна Термиз харобаларида олиб борилган археологик тадқиқотлар асосида шаҳарнинг турли тарихий даврлардаги тарихи ва маданияти билан боглиқ бўлган лавҳалар қисқача баён қилинган ва ноёб топшумалари таърифи келтирилгин.*

*Рисола бобо ҳалқимиз тарихи ва маданияти билан қизиқувчи кенг китобхонларга мўлжалланган.*

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Тарих институти Илмий қенгаши томонидан  
нашрга тавсия этилган.**

Марказларниң таралығынан көрүнгөнде деңгээлдеги мемлекеттің таралығынан да жоғары болып көрүлдөр. Болашақтың таралығынан да даңызынан да жоғары болып көрүлдөр. Марказларниң таралығынан даңызынан да жоғары болып көрүлдөр.

Үрта Осиёдаги антик ва үрта асрларга оид энг күхна, сиёсий, иқтисодий ва маданий марказларнинг бири - Термиз шаҳриди. Шаҳарнинг қулай географик үрни, яъни дарё кечуви ва карвон йўлларининг чорраҳасида барпо этилиши, уни тезда Үрта Осиёда, хусусан қадимги Бақтрия-Тоҳаристоннинг энг йирик шаҳарларидан бирига айланишига асос бўлди. қадим-қадим замонларда жанубни шимол билан, шарқни фарб билан боғловчи мамлакатлараро карвон йўллари, жумладан, «Буюк Ипак йўли»нинг бир тармоғи Термиз орқали ўтган. Шаҳар, айниқса кушонлар салтанати ҳукмронлиги даврида ва үрта асрларда ўз тараққиётининг энг юқори босқичларидан бирига кўтарилди. Шаҳар кенгайди, қатор маъмурий ва ижтимоий бинолар, ибодатхона ва маҷитлар қурилди. Ҳунармандчилик ривожланди. Бу даврларда Термиз Бақтрия-Тоҳаристоннинг энг тараққий этган маданият марказларидан бирига айланди.

Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, Термиз шаҳри 1220 йилда мўғул-татар босқинчилари томонидан ишғол этилган. Шаҳар аҳолиси босқинчиларга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Бундан fazабланган Чингизхон Термизни ер билан якsson қилишга буйруқ берган. Шаҳар оғир жанглардан кейин таслим бўлган. Босқинчилар шаҳарни талаб, унга ўт қўйиб юборганлар. Аҳолисининг бир қисми қириб ташланган, қолгани ҳайдаб кетилган. Шаҳар учун бу энг қора ва машъум кунлар бўлиб, шундан сўнг у ўзини қайта ўнглаб ололмаган. Шаҳар аҳолисининг қирғин ва асирикдан омон қолган бир қисми ҳозир Саловат номи билан маълум бўлган жойга кўчиб ўтган. XIV асрда зарб қилинган тангаларда ва ёзма манбаларда Термиз «Эрлар шаҳри» деб қайд қилинган. Эҳтимол бу номни Термиз ўзининг мўғул-татар босқинчиларига кўрсатган мардларча қаршилиги эвазига олгандир.

Йиллар, асрлар ўтиши билан Термиз харобага айланба борди. Униг қадимги саройлари, мачитлари, карвонсаройлари, уйлари, устахона ва расталари ўрнида аста-секин катта-кичик тепаликлар пайдо

бўлди ва шу ҳолда бизгача етиб келди. Дарҳақиқат, ўша машъум воқеаларга ҳам қарийб 780 йилдан ошиб кетди. Лекин сиз Термиз харобалари узра юрсангиз босқинчиларнинг қонли ва ўтли изларини кўрасиз. Ҳар томонда турли сопол идишларнинг бўлаклари, бежирим қилиб ишланган шиша буюмларнинг синиқлари, гишт бўлаклари, ҳар хил тақинчоқлар, турли даврга оид тангалар ва шунга ўхаш жуда кўп турли-туман буюмлар сочилиб ётибди. Шаҳарнинг кўпгина жойларида ёнгин излари кўзга ташланади. Босқинчилар Термиз шаҳрини вайрон қилиб ташлаган бўлсаларда, аммо ер юзидан йўқ қилиб юборолмадилар. Бу нарса уларнинг қўлларидан келмади. Аксинча, шаҳар харобаси Чингизхон кўшинларининг ваҳшиёна изларидан гувоҳлик бермоқда. Замондошларимиз қалбида босқинчиларга нисбатан нафрат туйғуларини уйғотмоқда. Шаҳар харобаси Термизнинг ўтмишдаги равнақидан ва маҳобатидан ҳикоя қиласиди. Унинг бағрида асрлар оша сақланиб келаётган қадимги шаҳар обидалари, турли-туман ҳунармандчилик буюмлари эса авлодларимизнинг юқсак моддий маданиятидан сўз очмоқда.

Кўҳна Термиз харобалари ҳозирги Термиз шаҳридан 7 чақирим шимоли-ғарбда, азим Амударё соҳили бўйида жойлашган бўлиб, унинг майдони 500 гектардан ошиқ бўлган. Шаҳар қалъя, шаҳристон ва шаҳар атрофи-работдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири маҳсус мудофаа иншоатлари билан ҳимоя этилган. Бундан ташқари работнинг атрофидаги анчагина майдон шаҳар таркибига кирган. Бу майдон ҳам маҳсус мудофаа девори билан ўралган бўлган. Шаҳар атрофида дала ва боғлар бўлган. Афусски, шаҳарнинг жуда катта майдони ҳозир ўзлаштириб юборилган. Бунинг оқибатида бобокалонларимиз яратган қанчадан-қанча ноёб тарихий-маданий дурдоналар йўқ бўлиб кетди ва йўқолмоқда. Бу жуда ачинарли ҳол. Асрлар давомида сақланиб келган ноёб ёдгорликларнинг излари бизнинг замонимизда бузиб юборилиши ачинарли ҳолгина эмас, катта тарихий жиноят, аждодларимиз хотирасини оёғ ости қилиш демакдир.

Шаҳарнинг энг қадимий қисми Амударёнинг шундай соҳилида бўлиб, қум ва тошдан таркиб топган табиий баландлик устига қурилган. Ҳозир бу жой қалъя деб аталади. У тўртбурчак шаклида бўлиб, 10 гектардан ортиқ майдонни эгаллайди. Дастреб ана шу қалъя майдони шаҳарнинг асосини ташкил этган. Вақт ўтиши билан шаҳар майдони кенгайиб бориб, олдинги шаҳар қалъага айланди. Бу ерда асосан ҳокимларнинг саройлари, ибодатхоналар ва маъмурний бинолар жойлашган.

Шаҳар ва қишлоқларнинг тепаликлар устида қурилиши маълум аҳамиятга эга бўлган. Тепалик мазкур шаҳар учун табиий мудофаа иншооти бўлиб хизмат қилган ва унинг мудофаасини бир неча бор кучайтирган. Шунинг учун ҳам қадимги шаҳар қурувчилари бунга жуда катта эътибор берганлар. Шаҳар учун қулай жойнинг танланиши, унинг келажақдаги ривожи ва равнақини белгиланган. Термиз шаҳрининг асосчилари шаҳар учун энг яхши ва қулай жойни танлаган эдилар. Шаҳар мудофаасини янада мустаҳкамлашда унинг дарё бўйида жойлашганлиги ҳам катта аҳамият касб этган. Йиллар ва асрлар ўтиши билан шаҳарнинг баландлиги маданий қатламлар ҳисобига ошиб борди. Ҳозир қалъанинг баландлиги айрим жойларда 20 метрдан зиёддир. қадимда эса бундан ҳам юқори бўлган. Бир тасаввур қилиб кўринг-а, катта тепалик устида жойлашган ва мураккаб мудофаа иншоотлари билан мустаҳкамланган шаҳар қалъаси душманга қанчалик фулгула солган. Уларнинг назарида бу жойни забт этиш умуман мумкин эмасдек бўлиб турган. Дарҳақиқат, шундай бўлган. Ёзма манбаларда қайд қилинишича, Термиз қалъасини қуршаб олган босқинчилар бир неча бор уни забт эта олмай қайтиб кетишган. Ҳатто, ҳозир ҳам Термиз қалъасининг хробаси ўзининг маҳобати билан замандошларимизни ҳайратга солади ва унинг ўтмишдаги қудратидан далолат беради.

Шаҳарнинг энг қадимий номи қандай бўлган, қачондан бошлаб у «Термиз деб атала бошлаган ва Термиз сўзи нимани англаттан бу тўғрида аниқ бир маълумотга эга эмасмиз. Бунинг устига шаҳарнинг номи манбаларда турлича талафуз қилинган. Ҳусусан, қадимги арман манбаларида (IV-V асрлар) у «Дрмат» деб аталган. VII асрларга оид хитой манбаларида эса «Тами» номи билан маълумдир. XIV асрларга оид хитой манбаларида у «Галима» деб қайд қилинган. IX-XI асрларга оид араб-форс манбаларида шаҳарнинг номи кўпинча «Тармид», «Тармиз» ва «Гирмиз» шаклида бўлган.

Бу номларнинг ҳаммаси бир шаҳарга, яъни Термизга нисбатан ишлатилганлиги шак-шубҳасиздир. XII асрларда яшаган тарихчи Самонийнинг хабар қилинишича «Тармиз» номи қадимдан маълум бўлган<sup>1</sup>. Якут XIII асрнинг бошларида тузган луғатида,

<sup>1</sup> Самани. The kitab an Ansab of Abd al Karim ibn Muhammad al Sam'am with an introduction by D.S. Margolian. YMS. V. XX. Liyden London, 1917, 105.

одамлар шаҳарнинг номини икки хил талаффуз қилишган, хусусан «Тармиз» ва «Тирмиз» деб ёзади<sup>1</sup>. IX-XIII асрларда шаҳарда зарб этилган тангаларда ҳам шаҳарнинг номи «Тармиз» деб қайд қилинган. Демак, шаҳарнинг ҳозирги номи IX асрда ёк кенг тарқалган. Албатта, бунгача у шундай ном билан аталган. қадимги Тибет буддийларнинг манбаларида қизиқ бир маълумот бор. Жумладан, китоблардан бирида Дхармамитра деган тохаристонлик буддизм тарғиботчисининг номи учрайди. Унинг (Вахшу Амударё) дарёси бўйида жойлашган Тармита шаҳаридан эканлиги қайд этилган. Агарда Тармита ва Термиз сўзларини ўзаро солиштирасак, уларда ўхшашлик борлигини кўрамиз. Шундай экан Тармита-Термизнинг энг қадимги номларидан бири бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Ҳозирги Термиз шаҳри эса 1928 йилдан бошлаб Паттакесар қишлоғи ўрнида пайдо бўлган шаҳарнинг номидир.

Шаҳарнинг номи қандай маънони билдирган? Бу тўғрида манбаларда бирон маълумот йўқ. IX асрда яшаган машҳур австрийлик шарқшунос олим В. Томашек Термиз сўзи қадимги бактр сўзидан «tarō maethō»дан олинган ва у «дарёнинг нариги соҳилидаги манзилгоҳ» деган маънони англатади,<sup>2</sup> деган фикрни билдирган. Бизнингча бу фикр тарихий ҳақиқатга яқиндир.

Шаҳар номининг келиб чиқиши тўғрисида бир қанча ривоятлар ҳам бор. Мана шундай ривоятлардан бирига кўра шаҳарнинг номи Юонон-бақтрия шоҳи Деметрийнинг исмидан келиб чиққан.

### Шаҳар ёши нечада?

Термиз шаҳрига қачон ва ким томонидан асос солинган? Бу савол олимларни ва кўпгина ўлка тарихи билан қизиқувчи одамларни қизиқтириб келган. Бу саволга жавоб бериш кўп изланишларни талаб қиласди. Шаҳар харобаларида олиб борилаётган ва бориладиган археологик қидириув ишларининг натижалари бу борада қимматли маълумотлар бериши мумкин.

Шаҳарнинг барпо этилиши тўғрисида шундай ривоятлар бор. Улардан бирида шаҳарга (Искандар Зулқарнайн) Александр Македонский асос солган дейилса, бошқасида Юонон-Бақтрия шоҳи

<sup>1</sup> Makgucu, BGA, N III, Liugduni Batavorum, 1906, 291.

<sup>2</sup> Tomascher W. Centralasiatische Studien. Sogdiana, Wien, 1877. 8. 91.

Деметрий номи тилга олинади. Ёзма манбалардан ҳам бу түғрида аниқ жавоб топиш қийин. Юонон Рим муаррих ва географларининг китобларида Термиз шаҳри түғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Аниқроғи, ҳозир бизда антик муаллифларга Термиз қандай ном билан маълум бўлганлиги аниқ аён эмас. Зоро, биз антик манбаларда қайд қилинган шаҳарлардан қай бирини Термиз билан боғлашни билмаймиз. Бу манбаларда қайд қилинган шаҳарларнинг бироргасини номи «Термиз» номи билан ўхшашлик топмайди. Манбаларда Бақтрияда Александр Македонский, сўнгра Салавкийлар ва Юонон-Бақтрия шоҳлари томонидан жуда кўп шаҳарлар барпо этилган ва улар асосан шоҳларнинг номи билан аталганлиги қайд қилинган. Юонон-рим муаллифлари Бақтрия шоҳларини «минг шаҳарли ўлка» ҳукмдорлари деб бежиз атамаганлар. Лекин, Бақтрияда бу даврда мингтадан зиёд шаҳар бўлган экан, деб ҳисоблаш нотўғри бўлса керак. Чунки антик муаллифлар бу ибора билан Бақтрияда шаҳарлар жуда кўп бўлган демоқчи бўлганлар. Лекин шу «мингта» шаҳардан бири Термиз ўрнида бўлганлиги шубҳасизdir.

Ўрта асрлар араб манбаларида ҳам Термизнинг барпо қилиниши түғрисида бир қанча маълумотлар бор. Бу маълумотларнинг қанчалик ҳақиқатга яқин эканлигини айтиш қийин. Хусусан, X асрда яшаган араб муаррихи ат-Табарийнинг ёзишича, Термизни Эрон шоҳи Кобод қурдирган<sup>1</sup>. Ат-Табарийнинг бу маълумоти Термиз тарихига зиддир. Чунки Эрон шоҳи Кобод Эрамизнинг 489-531 йилларида ҳукмронлик қилган. Ваҳоланки, бу вақтда Термиз бир неча асрли тарихга эга бўлган. XV асрда яшаб ижод этган Хофизи Абронинг ёзишича, Термизга Искандар Зулқарнайн асос солган.<sup>2</sup>

Тарихчи олим В.Тарн Термиз тарихига оид ёки у билан қандайдир алоқаси бўлган маълумотларнинг барчасини ҳар томонлама таҳлил қилиб, Александр Македонский юришларини битган юонон-рим муаллифларининг манбаларида қайд қилинган ва шу шоҳ томонидан асос солинган «Окс бўйидаги Искандария» (Александрия на Оксе) шаҳри Термиз ўрнида бўлган деган хуло-сага келади. Бу жуда дадил фикр эди. Чунки В.Тарнда Алек-

<sup>1</sup> Табари, *Lugduni Batavorum*, 11, p. 147,

<sup>2</sup> Бартольд В.В. Хафиз-и Абру и его сочинения Т. VII, М., 1973, 74-97 бетлар.

сандр Македонский даврига оид Термиз тарихини ёритувчи археологик манбалар йўқ эди. Француз олимни П.Бернар эса Окс бўйидаги Искандария шаҳрини Термиз ўрнида ёки Шимолий Афғонистондаги Кукча дарёсининг Амударё билан қўшилиш жойида жойлашган Ой-Ханум харобалари ўрнида бўлиши мумкин деган фикрни олға сурди.<sup>1</sup> Ҳақиқатан, Окс бўйидаги Искандария шаҳри Термиз ўрнида бўлганми?


Бу саволларни фақат қадимги Термиз харобалари ўрнида олиб борилган археологик қидирув ишлари ойдинлаштириши мумкин эди. Дарҳақиқат, сўнгти йилларда олиб борилган археологик тадқиқотлар давомида қадимги Термизнинг қалъя қисмидаги милоддан олдинги бир минг йилликнинг ўрталарига оид сопол идишлар, ёргичноқлар топилди. Бу топилмалар Окс бўйидаги Искандария шаҳри Термиз ўрнида бўлган деб тахмин қилишга асос бўла олади. Аммо, бизнингча бу шаҳар ҳали том маънодаги шаҳар бўлмай, балки давлат аҳамиятига молик бўлган қўриқлаш учун қурилган қалъя шаклида бўлган.

Александр Македонский юришигача қадимги Термиз атрофида одамлар яшаганинги яна бир исбот сифатида ҳозирги Термиз шаҳри ўрнида топилган манзилгоҳини келтириши мумкин. Бу манзилгоҳ ҳам милоддан олдинги биринчи минг йилликнинг ўрталари га тааллуқлидир. Александр Македонский ўлимидан кейин кўчманчи қабилалар босқини натижасида шаҳар анчагина вайронага айланган. Ҳар қалай милоддан олдинги III асрда ҳукмронлик қилган салавкийлар шоҳи Антиох I шаҳарни қайтадан тиклаган ва шаҳарга ўз номини берган. Энди у «Окс бўйидаги Антиохия» деб атала бошланган. Бу борада «Певтингар жадвали» ва VII асрда яшаган Равенналик номаълум географнинг харитасида Антиохия-Тармита шаҳрини қайд қилиши мақсаддага мувофиқдир. Маълумки, бу харита антик географларнинг хариталари асосида тузилган. Бизнингча харитада келтирилган Антиохия-Тармита шаҳри қадимги Термиз ўрнида бўлган шаҳарни номи бўлиб, у антик дунёда маълум вақт Антиохия номи билан маълум бўлган. Харитада бу шаҳар Антиохия-Тармита шаклида қайд қилингандиги айниқса дикқатга моликдир. Бизнингча, бу тасодифан бўлмай, балки харитада шаҳарнинг ҳам антик дунёдаги ва унинг маҳаллий номи қайд қилинган.

<sup>1</sup> Bergard P. Diador XVII, 83.1. Alexandrie du Cancase ou Alexandrie de Oxus? Dournal des Savants, 1982, p. 235-236.

Антиохия-Тармита шаҳрини қадимги дунё ҳариталари қайд қилиниши бу шаҳарнинг анча катталигидан гувоҳ беради.

Тармита-Термиз шаҳрининг кейинги равнақи Юнон-Бақтрия даврига тўғри келади. Бу даврга келиб Тармита-Термиз том маънодаги шаҳарга айланди. Шаҳарнинг қалъа қисмида олиб борилган тадқиқотлари натижалари фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу қатламлар Юнон-Бақтрия даврида шаҳарда ҳаёт гуркираб яшнаганидан далолат беради. Қазишмалар давомида бу ерда Термизнинг милоддан олдинги III-II асрларга оид маданиятини ёритувчи турли топилмалар қайд қилинди. Айниқса, бу ердан топилган кулолчилик буюмлари диққатга молиқдир. Улар ўзларининг бежирим шакли билан ҳозир ҳам одамларни ҳайратга солади. Бу идишлар Термизда милоддан олдинги III-II асрларда кулолчилик тараққий қилганидан далолат беради. Уларни тайёрлаган кулоллар, шубҳасиз моҳир караб эгалари бўлгандар. Бундан ташқари бу ерда фил сугидан ясалган турли нарсалар, хусусан, аёл маъбуда ҳайкалчаси топилди. Топилмалар орасида салавкийлар ва Юнон-Бақтрия шоҳларининг номидан зарб қилинган тангалар алоҳида ўрин эгаллади. Шоҳларнинг тангалардаги расмлари жуда зўр маҳорат билан акс эттирилган. Медальерлар шоҳларнинг фақатгина ташқи қиёфасини реал тасвир қилибгина қолмай, уларнинг феълатворларини очиб беришга ҳам мусассар бўлгандар. Ҳақиқатан ҳам бу тангалар медальерлик санъатининг энг ёрқин намуналариdir. Бунга ўзингиз ҳам шоҳид бўлишингиз учун эътиборингизни Термиздан топилган юнон-бақтрия шоҳи Евтидемнинг тангасига жалб этамиз. Танганинг олд томонида юнонларнинг афсонавий паҳлавони Гераклнинг боши тасвирланган (*I-расм*). У ўрта ёшда, шоп мўйлов, соchlари жингалак.



*I-расм*

Юнон-Бақтрия шоҳи Евтидемнинг тангаси. Милоддан олдинги II аср

Расмда паҳлавоннинг бўйни бақувват қилиб ифода этилган. Танганинг орқа томонида чопиб кетаётган от тасвири туширилган ва юнон ҳарфлари билан «Шоҳ Евтидем ҳукмдор» деган сўзлар битилган.

Мазкур топилмалар милоддан олдинги

III-II асрларда ёк Термизни каттагина шаҳар бўлғанлигидан далолат беради. Бу шаҳар тахминан 10 гектар майдонни ишғол этган. Ўша давр учун бу анчагина катта майдон бўлған. Шаҳар Шимолий Бақтрияning энг йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий маркази ҳисобланган. Бу ерда ҳунармандчилик, хусусан кулолчилик тараққий қилган. Ўша даврда ёк Термиздан карвон йўллари ўта бошлигаган. Бу эса шаҳарнинг ривожланиши учун яна бир омил бўлиб хизмат қилганлигини кўрсатади. Савдо-сотиқ ишларида пуллар асосий қиймат белгиси бўлиб муомалага кира бошлигаган.

Милоддан олдинги II асрнинг ўрталарида юонон-бақтрия шоҳлиги шимолдан ва шимоли-шарқдан келган саклар ва юечжи қабилар ҳужуми остида инқирозга учрайди. Кўчманчиларнинг бир қисми янада жануброққа қараб силжийди, қолганлари эса Бақтрияда жойлашиб қолади. Бу ҳақда Хитой йилномаларида қизиқарли ва қимматли маълумотлар учрайди. Хусусан, бу йилномаларда ёзилишича юонон-бақтрия шоҳлигини мағлубиятга учратгандан сўнг кўчманчиларнинг юечжи қабиласи Амударённг ўнг қирғоғига, яъни ҳозирги Ўзбекистон ва Тожикистоннинг жанубий ҳудудларига жойлашиб олган ва беш қабила бўлиб шу ерда яшай бошлигандар. Ҳозирча шу беш юечжи қабиласининг қайси бири қаерда жойлашганилиги аниқ эмас. Улар аста-секин маҳалий аҳоли билан кўшилиб борди, тилини ва кўпгина урф-одатларини қабул қилди. Юонон-Бақтрия шоҳларининг тангаларига ўхшатиб тангалар зарб қила бошлидилар.

Орадан 100 йилдан кўпроқ вақт ўтгач, шу беш юечжи қабиласи кушон уруғи атрофида бирлашиб, кушонлар салтанатига асос солгандар. Г.А.Пугаченкованинг фикрича, кушонларнинг ilk пойтахти ҳозирги Шўрчи районидаги Далварзинтепа харобалари ўрнида бўлған.<sup>1</sup> Бу шаҳар Хитой йилномасида Ходзо номи билан маълум. Вақт ўтиши билан кушонлар бутун Бақтрияни, сўнгра, Қобул, Кашмир ва шимоли-ғарбий Ҳиндистоннинг катта қисмини босиб олди ва буюк кушонлар салтанатига асос солдилар. Қисқа вақт ичида бу салтанат қадимги дунёдаги тўртта буюк давлатлар қаторидан жой олди. Кушонлар тахминан I-IV асрларда ҳукмронлик қилди. Бу давр кўпгина Шарқ ҳалқлари, хусусан Ўрта Осиё ҳалқлари тарихида муҳим аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> Пугаченкова Б.А. Ҳалчаян, Ташкент, 1966. С. 248

Шуни таъкидлаш жоизки, бу вақт қушонлар давлати таркибиға кирган халқларнинг энг гуллаб-яшнаган даври бўлди. Кушонлар салтанат ягона салтанат таркибида қатор халқлар ва элатларнинг бирлашувм натижасида бу ерда ўзига хос бўлган маданиятнинг ривожланишига замин яратиши билан бир қаторда ҳар бир халқнинг маданий анъаналари янада ривожланишига, уларнинг бир-бiri билан яқинлашувига ижобий таъсири этди. Хусусан, Бақтриядә ўзига хос бақтрия бадиий мактаби шаклланди ва ривожланди. Бу мактабнинг шакланишида маҳаллий маданият анъаналари асосида элинизм, буддизм ва кўчманчм халқларнинг таъсири катта. Кушонлар даврида Бақтриядә юзлаб шаҳар ва қишлоқларга асос солинди. Эски шаҳарлар ўз тараққиётларида янги босқичга кўтарилилар. Мана шундай шаҳарлардан бири Термиз эди. У кушонлар ҳукмронлиги даврида янада юксалди. Натижада Шимолий бақтрияниң энг катта шаҳарларидан бирига ва унинг пойтахтига айланди. Шаҳар тез суръатлар билан кенгая борди. Ҳунармандчилликнинг турли тармоқлари, айниқса кулолчилик.металлсозлик, тошгарошлиқ тез ривожланди. Термизлик кулоллаб тайёрлаган кўзалар, қадаҳлар, ликобчалар, тогоралар ва бошқа кўпгина уй-рўзгор буюмлари ўзининг сифати, бејириш шакли ва турли нақшлари билан алоҳида ажralиб туради. Мазкур буюмлар факат шаҳар аҳолисининг эҳтиёдини қондирибгина қолмай, маълум қисмини бошқа шаҳарлардан ва қишлоқлардан келган одамлар ҳам харид қилганлар.

Кушонлар даврида Термизда савдо-сотиқ ҳам авж олган. У, асосан, товар-пул муомаласи орқали олиб борилган. Шаҳарнинг «Буюк ишак йўли» да жойлашуви уни иқтисодий ва маданий жиҳатдан янада юксалишига яна бир замин бўлиб хизмат қилган. Маълумки, кушон шоҳлари халқаро савдога алоҳида эътибор берганлар. Улар Хитойдан то Парфиягача бўлган савдо йўлларини ўз тасарруфларида ушлаб туришга ҳаоакат қилганлар.

Термизнинг маданий ва маънавий ва мафкурий ҳаётида буддизм алоҳида ўрин эгаллаган. Сўнгти изланишларга қараганда, Термизга будда дини илқ бор милоддан олдинги I асрнинг охирлари милоднинг бошларида ёқириб кела бошлаган. Шаҳар аҳолисининг каттагина қисми буддавийлик динини қабул қилган ва унга ҳар томонлама ҳомийлик қилган. Шаҳар ҳокими ва зодагонлари ҳам буддавийликнинг бу ерда кенг тарқалишига алоҳида эътибор берганлар. Улар буддавийлик ибодатхоналарини бунёд этганлар. Ана шундай марказий ибодатхоналардан иккитаси ҳозир Қоратепа

ва Фаёзтепа номи билан маълум. Бу ёдгорликлар шаҳар ташқари-сида жойлашган бўлиб, Шимолий Бақтрияниг энг катта ибодатхоналаридан ҳисобланганлар. Шунингдек, бу ерда алоҳида ступалар мавжуд бўлган. шундай ступалардан бири ҳозир Зўрмала дуб аталади. Бу ступа ўзининг маҳобати билан одамларни ҳайратга солади. Ўз даврида бу ёдгорлик оқ мармартошдан тайёрланган ҳайкалчалар блан безатилган. Ҳайкаллар, асосан буддавийлик билан боғлиқ бўлиб, улар зўр маҳорат билан ишланган. Албатта, будданинг ҳайкали улар орасида алоҳида ўрин эгаллаган. Афсуски, бизгача бу ҳайкалларниг баъзи бирларигина етиб келган, холос. Шаҳар аҳолиси уйларида маҳсус ибодат қиласидаган хоналар ҳам бўлган. Бу хоналардаги Будданинг терракотадан ясалган ҳайкаллари турган. Йиллар, асрлар ўтиши билан буддавийлик Шимолий Бақтрия аҳолиси орасида кенг тарқала бориб, бу дин соҳиблари хатто қишлоқ аҳолиси орасида ҳам кўпайиб борди.

Буддавийлик ва унинг маданияти Шимолий Бақтрияниг моддий маданиятига ҳам катта таъсир кўрсатди. Хусусан, сўнгти кушон даврига оид сопол идишларниг аксарияти буддавийларниг турли рамзий белгилари билан безатиладиган бўлди. Бу ерда «Будда тавони», «Будда филдираги» каби нишоналарни учратамиз. Маймунларниг ҳайкаллари ҳамбўлган. Махлумки, маймунлар Будда томонидан эъзозланган ҳайвон ҳисобланганлар. Ваҳоланки, шунгача бундай тасвирлар Бақтрияда номаълум эди. Бу даврда, айниқса Будданинг ва бодхисатваларниг дойдан пиширилган кичкина ҳайкалчалари кенг тарқалди. Бу ҳайкалчаларда Будда турган ёки таҳтада ўтирган ҳолда акс этирилган бўлиб, у катта маҳорат билан ишланган. Коропласт-кулоллар лойдан ясаган сопол ҳайкалчаларда, Будданинг бутун бир ҳолатини, унинг маъянвий етуклигини, баркамоллигини ифода қилишга ҳаракат қилганлар. Унинг юзидан илиқ бир мулоҳимлик тарқалиб туради. Будда қўлининг ҳолати ўзига хос мазмун касб этади. Хусусан, Будда ўнг қўлини кўтариб турган бўлса, бу «қўрқувни тарк этиш» деган мазмунни билдиради.

Энди Термиздаги Қоратепа ва Фаёзтепа ибодатхоналарига батафсил тўхтalamиз. Чунки бу икки ибодатхонада олиб борилган археологик қазиш ишлари Ўрта Осиёда буддавийликнинг тарқилишини, бақтрия буддавийлик маданиятининг шаклланиши ва ривожланишини ёритиш учун жуда қимматли маълумотлар берди. Бу икки ёдгорлик қадимги буддавийлик обидалари орасида алоҳида ўрин эгаллайди.

## ИБОДАТХОНАЛАР СИРИ

Қоратепа ва Фаёзтепа ибодатхоналарига Шимолий бақтриядаги күпчилик шаҳар ва қишлоқ аҳолиси келиб сажда қилишган. Гарчм ҳар бир шаҳарда буддавийларнинг алоҳида ибодатхоналари бўлсада, марказий ибодатхонада тоат-ибодатлар маҳаллийлардан бошқачароқ, файритабии тусда ўтган. Бунинг устига Марказий ибодатхоналар коҳинлари будда ақидаларини жуда яхши билгандар. Шу билан бирга Термиздаги ибодатхоналар қошида будда динининг воизлари таҳсил олишган. Улар бу ерда будда таълимотларини мукаммал ўрганишган. қизиқарли томони шундаки, улар Будда динининг ватани бўлмиш Ҳиндистон коҳинлари билан бемалол рақобат қилгандар. Ёзма манбалардан маълумки, Термиздан етишиб чиққан машҳур Ҷхармамитра исмли коҳин будда асарларини ҳинд тилига афдарган ва Бақтрия-Тоҳаристон тарғиботчи Ғошака эса Пешаворда буюк Кушон шоҳи Канишқа уюштирган буддавийларнинг йиғилишида иштирок этишган. Ғошака номи билан Бақтриядаги буддавийликнинг бир мазҳаби-вайбахашикларнинг тарқалиши боғланган. У бундан ташқари буддавийликка бағишланган бир асарнинг муаллифи ҳамдир. Бу асар «Абхидхармапитака» деб аталган.

Қарийб ўтгиз йилдан зиёд вақт мобайнида проф. Б.Я.Ставиский раҳбарлигида Қоратепада илмий археологик тадқиқотлар олиб борилди. Бугунги кунда Қоратепадаги ибодатхоналарни ўрганишда турли соҳа мутахассислари фаол иштирок этмоқдалар. Ҳозиргача Қоратепа саққиздан ортиқ будда иншоотлар мажмуоси очиб, ўрганилди. Ҳар бир бундай иншоот тўғри тўрт бурчакли катта ҳовли, ва уни тўрт томонидан ўраб турган йўлак-айвонлардан ва ер остига курилган иншоотлардан иборат бўлган (2-расм). Ибодатхоналарнинг бирида Будданинг лойдан ясалган катта ҳайкали ва ступа топилган. Ступанинг таг қисми нилуфар гулининг япроқлари билан безатилган.



2-расм

Қоратепадаги ибодатхоналардан бирининг умумий кўриниши

Қораепадан топилган ступалар буддизмга хос иншоот бўлиб, у будда дини тарқалган

барча мамлакатларда учрайди. Бундай ступалар, асосан бир хил усулда қурилади. Ступаларнинг асоси тўртбурчак ёки шунга яқин бўлиб, бир неча метр баландликка кўтарилиган. Бу баландлик устига эса цилиндрический иншоот қурилган. Унинг баландлиги ҳам бир неча метрга, баъзан ўн метрга яқин бўлган. Ступа усти гумбазсимон қилиб ишланган ва унга ёғочдан ёки тошдан ясалган лангар ўрнатилган. Бу лангарда тошдан ясалган бир нечта соябон бўлган. Бундай соябон буддавийларда чатра деб аталган. Буддавийларнинг ҳисоблашича, чатра муқаддас дараҳт рамзи бўлиб, мазкур дараҳт соясида Будда ўз диний назариясининг асосларини ишилаб чиқсан экан. Қоратепа ибодатхоналарининг деворларида ҳам диний мазмундаги расмлар акс этилган. Хусусан, бу ерда Буддавининг тасвири ҳам бўлган. Муҳими шундаки, Қоратепадаги мазкур иншоотлар худди Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистондаги буддавийларнинг ибодатхоналари каби ер остига ва ер устига қурилган.

Қоратепадаги ер устига ва остига қурилган иншоотларнинг бир-бирлари билан узвий боғланганлигини кўриб чиқамиз. Тепалик устига катт а ҳовли қурилган бўлиб, унинг тўрт томони кенг айвон билан уралган. Ҳовлининг гарбий қисмида ер остига жойлашган ибодатхона билан боғловчи иккита эшик жойлашган. Пастки хоналарига эса зинапоялар орқали тушилган. Деворнинг ўртасидаги токчада Будданинг катта ҳайкали турган. Ҳовлининг шимолий ва гарбий қисмидаги айвоннинг деворлари қизил рангда оддийгина расмлар билан безатилган бўлса, жанубий айвоннинг деворлари турли расмлар билан безатилган. Расмлар айвоннинг ўртасидаги эшикнинг икки томонига чизилган.

Расмлар ҳаворанг бўёқ устига чизилган. Хусусан, бу ерда ибодатхона қурилишига маблағ ажраттан ва унга ҳомийлик қилган аслзода эркак ва аёлларнинг расмлари чизилган. Эшиқдан кираверишда, юқорида Будда ва коҳинлар расми солинган. Бу ерда айниқса Будданинг расми эътиборни тортади. Будданинг юзида қандайдир сирли мулойимлик, лабларида илиқ табассум ифодаланган. Умуман, бу расмлар катта маҳорат билан чизилган бўлсада, жўшқин ҳаётийлик сезилмайди. Албатта, бнда ўша замоннинг диний мафкураси ўз ифодасини топрган. Хусусан, буддавийлик fojasи инсоннинг жисмоний баркамоллигини эмас, балки унинг маънавий, руҳий етуклигини биринчи ўринга қўйган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Стависским Б.Я. Кунсакская Бактрия: проблеме истории буддизма. М. 1977: Ўша муаллиф. Судьбы буддизма в Средней Азии. М., 1998.

1968 йили Қоратепа ибодатхонасидан 2-3 чақирим шимоли-шарқда буддийларнинг яна бир ибодатхонаси топилди. Унинг топилиши Бақтрия буддийлигини ўрганишда муҳим бир босқич бўлди. Бу ибодатхона фанда Фаёзтепа номи билан маълум.

Ҳозирги Фаёзтепа археологик жиҳатдан ўрганилиб чиқилди. Текширишлар Фаёзтепанинг вихара типидаги ибодатхона эканлигини кўрсатди. У уч қисмдан иборат бўлиб, ҳар бирида ҳовли бўлган. Уйлар, асосан мана шу ҳовлилар атрофида жойлашган.

Ибодатхонанинг марказий қисмидаги комплексда диний ма-росимлар ўтказилган. Шимоли-ғарбий комплекс монастир бўлган, учинчи (жануби-шарқий) комплекс эса хўжалик ишларини олиб боришга мўлжалланган. Марказий комплекс ҳовлисининг шимоли-ғарбий қисмida жойлашган эшик монастир комплекси билан боғланган. Унинг яқинида оҳактошдан ясалган ҳовузча бўлган. Ҳовузчадан сув шер бошига ўхшатиб ясалган қувур орқали оқиб турган. Марказий комплекс ҳовлисининг шимолий қисмida ступа жойлашган. Унинг шакли Қоратепадаги ступаларга жуда ўхшайди. Фаёзтепа ступасининг ўзини яхши сақлаганлиги билан ажраби туради. марказий комплекснинг жанубий қисмida ступанинг қарама-қаршисида ибодатхона жойлашган. Ибодатхонага кираверишда марказий ҳовлининг жанубий айвонида лой ва ганҷдан ясалган Будда ва боддхисатваларнинг ҳайкаллари турган<sup>1</sup>. Уларнинг кўпчилиги қизилранг ва тилла суви билан безатилган. Айвоннинг деворига турли мазмундаги расмлар чизилган. Ибодатхона-нинг деворлари ҳам расмлар билан безатилган. Хусусан унинг жанубий деворида қизил кўйлак кийган Будданинг расми чизилган. Унинг икки томонида яна икки кишининг расми бор. улардан бири Буддага сажда қилмоқда. Шу хонада бошқа одамларнинг расми чизилган бўлаклар ҳам топилган. Расмларда тасвирланаётган одамларга ҳаётийлик баҳш этилган. Мазкур хонадан топилган оқ мармартошдан ва алебастрдан ясалган ҳайкаллар ҳам киши диққатини жалб этади. Уларнинг кўпчилиги бўёқлар ва тилла суви билан қопланган. Бу ерда топилган Будданинг алебастрдан тайёрланган ҳайкали алоҳида ўрин тутади. Ҳайкал ўзининг ниҳоятда бежиримлиги ва нозик эстетик дид билан тайёрланганили-

<sup>1</sup> Альбаум Л.И. Раскопки буддийского комплекса Фаяз-депе по материалам 1968-1972 гг. «Древняя Бактрия», 1975, С.53-58. Его же. И. Живопись святилища Даяз-тепа. // «Культура Среднего Востока. Изобразительное и прикладное искусство». Ташкент, 1990, С.18-27.

ги учун одамларга зўр қизиқиш уйғотади. Ҳайкалнинг юзи оқ, кўзи ва сочлари қора ранг билан бўялган.

1972 йили бу ерда мартмартошдан ясалган ҳайкаллар топилди. Унда Будда ва икки коҳин акс эттирилган. Будда муқаддас Бадҳи дараҳти тагида ўтирган, коҳинлар эса унинг икки томонида турган ҳолда тасвирланганлар (3-расм).



3-расм

Фаёзтепа. Будда ҳайкали II-IV асрлар

ра мана шу Фаёзтепа ибодатхонасида Будда ақидаларидан ўргандандир.

Умуман Қоратепа ва Фаёзтепа ибодатхоналари вақт ўтиши билан қанчалик харобага айланмасин, барибир ўз маҳобати, расми, ҳайкаллари билан минг йиллар ўтишига қарамасдан мазмун ва ишланиши услуби жиҳатидан одамларда кучли таассурот қолдиради.

Қоратепа ва Фаёзтепадаги тадқиқотлар бизга Будда дини билан боғлиқ бўлган меъморчиллик иншоотлари тўғрисида қимматли маълумотлар берибина қолмай, у Будда динининг Ўрта Осиёга, хусусан Бақтрияга тарқалиш йўллари, буддизм фоялари билан сугорилган санъатнинг қарор топиши йўлларини кузатиш имконини беради. Қоратепа ва Фаёзтепадан топилган ёзувларнинг илмий аҳамияти ҳам

Бу ҳайкаллар шунчалик нафис, гўзал ва бетакрор ишланганки. Уни сўз билан таърифлаш қишин. Бундай Будда ҳайкали ҳатто буддизм ватани ҳисобланган Ҳиндистонда ҳам маълум эмас.

Фаёзтепа топилмалари тўғрисида кўп ёзиш мумкин. Афсуски, китоб ҳажми бунга имкон бермайди. Бу ерда фақат шу нарсани қайд қилиб ўтиш керакки, яъни Фаёзтепага қадимда одамлар фақат сажда қилгани келмай, балки юқорида қайд қилинган монастирда таҳсил олишган ва яшаганлар. Эҳтимол Термизлик коҳин Дхармамит-

жуда каттадир. Улар мазкур ибрдатхоналарда яшаган айрим коҳин ва тарғиботчиларнинг исмини аниқлаш имконини берадилар. Ёзувларда Буддашира ва Буддамитра каби будда дини, ақидаларини мұкаммал биладиган тарғиботчиларнинг исмларини қайд қилиниши айниқса дикқатта молиқдир. Бундан ташқари бу ёзувларнинг эътиборга лойиқ томони яна шундаки, уларда Қоратепа ибодатхоналарининг баъзи бир номлари ва бу ибодатхоналарни қурилишига ҳомийлик қилған одамларнинг исмлари ҳам учрайди. Хусусан, Қоратепа нинг жанубий тепалигига жойлашган ибодатхоналарнинг бирида «Хабевака вихара» - «шоҳ ибодатхонаси» деб битилган ёзув топилган. Мазкур топилмага асосланиб тадқиқотчилар бу ибодатхона мажмуасини қурилишига шоҳнинг ўзи ҳомийлик қилған деб ҳисоблайдилар ва шунинг учун у «шоҳ ибодатхонаси» деб аталади. Тадқиқотчиларнинг тахминича, бу шоҳ машҳур күшон ҳукмдори Канишка ҳам бўлиши мумкин. Шу мазмундаги ёзув Қоратепанинг шимолий тепалигига ҳам топилган. Унда «Гандафар ўғлининг ибодатхонаси» деб ёзилган. Маълумки, Гандафар энг сўнгти күшон шоҳларидан бири бўлган. Аммо ёзувда айнан шу шоҳ тўғрида сўз юритилганини таъкидлаш қийин. В.В. Вертоградовани фикрича, сандафарнинг ўғлини исми «ас вавҳара» бўлган<sup>1</sup>. Шундай мазмундаги ёзувларнинг топилиши Қоратепа ибодатхоналари қурилишига шаҳарда жойлашган буддавийларнинг жамоаси, шаҳар фуқаролари, шаҳар ҳокимларигина ҳомийлик қилмай, балки күшон шоҳлари ва уларнинг энг яқин қариндошлари ҳам ҳомийлик қилганилигидан гувоҳлик беради. Айнан шу нарса ҳам Қоратепани Бақтриядаги энг ийрик буддавийлик марказига айланисига асосий омил бўлган бўлса ажаб эмас. Сўнгти йилларда Қоратепанинг шимолий баландлигига жуда маҳобатли ступа кашф қилинди. Ҳозирча бу ступа шимолий Бақтриядаги энг катта ступа ҳисобланади. Бизгача ступанинг фақат тагкурсиси сақланиб қолган. У икки зинапояли бўлиб, унинг асоси жуда кўркам ишланган фигурали плинтус билан безатилган. Тагкурсисининг шарқий томони ўртасида ступанинг цилиндр қисмига кўтарилиш учун маҳсус зинапоя жойлашган. Зинапоянинг икки томонида кичик ступалар жойлашган. Ступа тагкурсисининг шарқий қисмидан,

<sup>1</sup> Вертоградова В.В. Индийский этиграфический материалам из раскопок конца 70-х- 80 х годов та Кара-тепа и его значение для дальнейшего изучение памятника. // «Буддийские комплексы Кара-тепе в старом Термезе». М., 1996. С.178.

зинапоянинг ички икки томонида маҳсус токчалар бўлган. Қадимда бу токчаларга Будда ёки бодхисатваларнинг ҳайкаллари ўрнатилган. Маълум бўлишича, катта ступа қадимги, лекин кичикроқ бўлган ступанинг ўрнида барпо этилган. Топилмаларга қараганда, мазкур ступа ўз даврида буддийлик мазмунидаги турли ҳайкаллар мажмуси билан безатилган.

Катта ступани Қоратепада кашф этилиши мазкур турдаги иншоотларнинг ривожланиши тарихини, уларнинг умумий ва ўзига хос бўлган хусусиятларини ўрганиш борасида муҳим бир босқишиб чиқариш бўлди. Бундан ташқари катта ступани очиб ўрганилиши ступалар атрофида ўтказиладиган буддийлик маросимларини қандай бажарилганигини кузатиш имконини беради<sup>1</sup>.

Қоратепа ва Фаёзтепада кхорошти ва браhma ёзуви намуналарини кўплаб топилишини бир томондан Бақтрияни Ҳиндистон билан маданий алоқаларини жуда яқин ва уйғун эканлигидан гувоҳлик берса, иккинчи томондан бу ёзувлар бақтр тили, ёзувлари ҳақида фикр юритишга имкон беради.

Милоднинг V асрларида Ўрта Осиё ҳалқлари тарихида янги сиёсий куч пайдо бўлди. Бу сиёсий куч тарихда эфталитлар давлати деб аталади. Эфталитлар сасонийлар Эрони билан бир неча бор жанг қилиб, унинг шарқдаги, хусусан Бақтрия ва Парфия ерларини тортиб олади. Эфталитлар ва сасонийлар Эрони ўртасида ҳарбий ҳаракат Бақтрия шаҳар ва қишлоқларининг ҳаётига маълум даражада салбий таъсир кўрсатди. Бу даврда айрим шаҳар ва қишлоқлар инқирозга учрайди. Албатта, буларни ҳаммасини сиёсий можаролар билан боғлаш нотўғри бўлади. Чунки бу даврда бутун жамият ҳаётида чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар юз берадиган эди, яъни янгича ер муносабатлари пайдо бўлмоқда эди. шаҳар аҳолисининг кўпчилиги янги ерларни ўзлаштирди ва қишлоқларга кўчиб кетдилар. Янги ер эгалари ҳашаматли қалъалар барпо қила бошлидилар. Бу ижтимоий-иқтисодий жараён Термиз ҳаётида ҳам ўз аксини топди. Шаҳар аҳолисининг маълум қисми шаҳарни ташлаб янги ерларга кўчиб кетишиди. Натижада Термиз кичик бир шаҳарчага айланиб, фақатгина воҳанинг марказий шаҳри бўлиб қолди. Термиз ҳокимлиги ярим мустақил давлат

<sup>1</sup> Пидасев Ш.Р. Кабо кодзо. Предварительные итоги исследований Узбекистано-японской экспедиции на Кара тепа в 1999 г. // ОНУ. № 5. Ташкент, 2000, С.39-45.

бўлиб, у аввал эфталитлар, сўнгра турк ҳоқонлиги таркибиға кирган. Термиз ҳокими ўзини ярим мустақил давлат эканлигини ифодаси сифатида тангалар зарб қилиган. Бу тангалар бронзадан зарб қилинган бўлиб бир томонида лангар тасвирланган. Лангарни шаҳар рамзи сифатида тангаларда қайд қилиниши Термизни илк ўрга асрларда ҳам кушон давридаги каби йирик порт шаҳри бўлиб қолганилигидан далолат беради.

689 йили Термизни араб лашкарбошиси Муса Ибн Абдуллоҳ босиб олади ва шу ердан туриб маълум вақт Мовароуннаҳрнинг катта қисми устидан ўз назоратини ўрнатади. Фақаттина 704 йилда Муса ибн Абдуллоҳ араб халифаси, турк ҳоқонлиги а маҳаллий ҳокимликларнинг бирлашган кўшинининг зарбаси натижасида мағлуб этилади.

Термизнинг бундан кейинги таризхи ёзмаманбаларда тўлароқ ёритилган. Хусусан IX асрнинг охирларида яшаган Ибн Хордадбехнинг ёзишича, Термиз дарё бўйидаги тош ва тепалик устига жойлашган. Шунга яқин маълумотларни табарий ва қудами манбаларида ҳам учратиш мумкин. Бу манбалардан кўриниб турибдики, Термиз VIII-IX асрларда ҳали ҳам кичик бир шаҳарча бўлган экан. Шаҳар аҳолиси асосан қадимги қалъя ўрнида яшаган. X асрдан бошлаб у секин-аста катталашиб борган.

Шаҳар аҳолиси кўпайиб улар янги майдонларни ўзлаштира бошлигандар. Бу борада Истахрийнинг маълумотлари айниқса диққатта сазовордир. Унинг хабар қилишича, X асрнинг бошларида Термиз қалъя, шаҳристон (мадина) ва рабоддан ташкил топган бўлган. Шаҳар қалъаси Жайхун дарёси бўйида жойлашган бўлиб, унда шаҳар ҳокимининг саройи жойлашган. Шаҳристонда жума масжид ва бозорлар бўлган. Шаҳристон ва рабод Истахрийнинг хабар беришича маҳсус мудофаа деворлари билан ўралган. Манбада Термиз Жайхун дарёсидаги асосий порт шаҳри сифатида тилга олинган<sup>1</sup>.

XI-XIII асрларда Термиз тез суръатлар билан ривожланиб, яна Ўрга Осиёнинг катта шаҳарларидан бирига айланади. У бу даврларда таҳминан 500 гектар майдонни ишғол этган. Қанчадан-қанча янги саройлар, масжидалр, карвонсаройлар ва ҳаммомлар қуриолди. Ҳунарманчиллик тез суръатлар билан ривожланди. Хусусан кулолчилик, шишинослик ва темирчиллик соҳалари ўз тараққиётida юқори босқичларга кўтарилди. Шаҳарда ҳунарманлар алоҳида маҳалла

<sup>1</sup> Иссаҳри, BGA, V. I, Lugduni Baſovorum, 1870. 297 бет.

бўлиб жойлашганлар. Масалан, кулолчилик маҳаллаларидан бири роботнинг шимолий қисмидаги жойлашган, шишасозлар ва темирчилик маҳалласи эса шаҳристоннинг жанубий қисмидаги жойлашган.

Бундан ташқари Термизда бу даврда совун ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу ерда тайёрланган совунлар кўпинча бошқа шаҳарларга олиб бориб сотилган ва унга эҳтиёж катта бўлган. Бундан ташқари Термизда тўқимачилик ва кўнчилик ривожланган.

Термизнинг иқтисодий ҳаётида кемасозлар (қайиқчилар) алоҳида ўрин тутган. Бу ерда маҳсус қайиқчилар қурилган. Уларнинг кўпи четга сотилган. Бундан ташқари кемасозлар савдогарларнинг молларини Амударёдан ўтказиб қўйиш билан шуғулланганлар ва бунинг учун яхшигина фойда олишган. Чунки бу даврда Термизнинг савдо шаҳри сифатидаги аҳамияти янада ошган эди. Ўндан ортиқ карвонсаройлар қурилган. Яқин-яқингача қадимий Термиз харобаларини маҳаллий халқ «шаҳри ғулғула» деб атаб келгандар. Ривоятларга қараганда, Термиз бозорларининг шовқини ҳатто Балхда ҳам эшитилиб турган. Шунинг учун ҳам шаҳарга «шаҳри ғулғула» деб ном беришган экан. Албатта бундай сифатлаш асосида ўзига хос мазмун ётса керак. Бу Термизнинг йири савдо шаҳри бўлганлигини яна бир ифодаси бўлса ажаб эмас.

## ТЕРМИЗ ҲОКИМЛАРИНИНГ САРОЙИ


Термизнинг XI-XIII асрларга оиб энг ноёб ёдгорликларидан бири Термиз ҳокимларининг шаҳар четидаги саройидир. 10 гектардан ортиқ майдонни ишғол этган бу сарой шаҳарнинг шарқий қисмида, ям-яшил боғлар орасида жойлашган. Тўғри тўрт бурчак шаклида бўлган сарой маҳсус мудофаа девори билан уралган. Деворлар ташқари томонидан миноралар билан мустаҳкамланган. Хусусан, шимолий деворда 17 минора, шарқий деворда 7 минора бўлган. Деворларда маҳсус шинаклар ҳам қурилган. Фарбий деворда иккита дарвоза бўлиб, у пишиқ ва хом гиштдан терилган. Бундай дарвозалар шарқий деворда ва шимолий деворда ҳам бўлган. Учта катта асосий био мазкур майдоннинг жанубий қисмида жойлашган. Шу бинолардан фақат биттаси археологлар томонидан очиб ўрганилган. Қолганларида текширишлар фақат кичик майдонларда ўтказилган. Бу биноларнинг асосий қисми кейинги даврларда ерни ўзлаштириш пайтида бузиб ташланган.

Биринчи бор бу ерда археологик қазиш ишлари 1927-1928 йилларда профессор Б.П.Денике раҳбарлигига Москвадаги шарқ маданияти музейининг экспедицияси томонидан олиб борилди<sup>1</sup>. Қазиш учун улар саройнинг жанубий қисмида жойлашган катта бир бинонинг харобасини танлаган. Чунки мазкур бинонинг айрим жойларида ўйма ганч билан безатилган деворлар кўриниб қолган эди. Бу топилма экспедиция аъзоларида бу жой қандайдир маъмурий бино бўлса керак, деган фикрни уйғотди. Шундай қилиб, изланишлар археологларни жуда зўр топилмалар билан хушнуд этди. Топилмалар улар кутган натижадан ҳам бир неча бор зиёд эди. жуда бой жиҳозланган Термиз ҳокимларининг қабулхонаси топилган эди. Лекин экспедицияга ажратилган маблағнинг камлиги бу бинони тўла очиб ўрганишга имкон бермади. 1936 йилда саройда олиб борилган қазиш ишлари профессор М.Е.Массон раҳбарлигига яна давом эттирилди ва бино тўла очиб ўрганилди<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Бенике Б.П. Экспедиция МВК в Среднюю Азию 1927 г. // Культура Востока, МВК, И. М, 1928. Его же. Резная штуковая стенная декорация Термезе. // Труды секции искусствоведения РАНИОН. В. III, 1928 г.

<sup>2</sup> Массон М.Е. Городища Старого Термезе и их изучение. Труды ТАКЭ, том I, Ташкент, 1940, С.39-56; Жуков В.Д. Археологическое обследование в 1937 г. дворца термезских правителей. Труды ТАКЭ, том. II, Ташкент, 1945. С.133-162.

Қабулхона XI асрда асосан хом ғиштданкўрилган бўлиб, унинг ташқари ва ички деворларининг айрим қисми турли нақши махсус пишиқғиштлар билан безатилган. қабулхона тўғри бурчак шаклда залнинг узунлиги эса 13,5 м, эни 11,5 метрга teng бўлган. залда ғиштдан терилган ўн бир дона кунгурали устун бўлиб, бу устунлар зални уч қисмга бўлган (4-расм).



4-расм

Термиз ҳолчимлари саройи  
қабулхонасининг тархи

Залнинг ўрта қисми рavoқли бўлган. Шоҳ таҳти залнинг тўрида турган. Залга фақат гарбий деворнинг ўртасида қурилган катта эшик орқали кирилган. Залнинг олд қисмидаги айвон бўлиб у устунлар билан безатилган. Айвоннинг поли пишиқ ғишт билан турли геометрик шаклдаги нақшлар қилиб терилган. Айвонга зинапоялар орқали кўтарилилган. Айвоннинг олдида очиқ ҳовли ва ўртасида ҳовуз бўлган. Қабул залидан 40 метр

масофада саройга кириладиган махсус баланд пештоқ қурилган. Ҳовлининг шимолий ва жанубий деворлари бўйлаб айвонлар жойлашган. Бу айвонлар қабул залидаги деңгиз безатилмаган. Қабулхона комплексининг узунлиги 100 метр, эни эса 75 метрга teng. Бу рақамлардан кўриниб турибдики, қабулхона комплекси жуда катта бўлган. Термиз ҳокимлари бу билан ўзларининг куч-куватларини меҳмонларга намойиш қўлмоқчи бўлганлар.

XII асрда саройнинг қабул зали ва йўлақдаги айвони қайта таъмирланади. Айвоннинг ўйма ганч ва турли рангдаги бўёқлар билан ишланган расмларда безатилган. Зал, устунлар ва айвон ўйма ганч билан безатилган. Ҳатто залнинг ичи ҳам ўйма ганч билан безатилган. Натижада бу зал шандай гўзал ва сирли қиёфага эга бўлганлиги, уни ҳатто ҳозир ҳам таърифлаб бериш қийин... Залнинг ҳар бир девори ўзига хос ўйма нақш билан безатилган. Нақшлар, асосан геометрик характерда бўлган. Бу ерда турли кўринишларни фигуралар бир-бирлари билан жуда маҳорат ва дид билан боғланган. Мана шу узвийликда унинг таъсиричанлиги янада ошган (5-расм).



Кўпгина жойларда геометрик нақшлар, ўсимлик нақши, яъни барг ва узум шодасига ўхшаш нақшлар билан биргаликда учрайди. Бунда ҳам биз Термиз ганчкорларининг юқори малакали уста эканлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳар бир нақш ўзининг бетакрорлиги, мукаммаллиги, тиниқ ишланганлиги билан ажралиб туради. Қабул


*5-расм*

Термиз ҳолчимларининг саройи.  
Сарой деворидаги ўймаганч намунаси.  
XI-XIII аср бошлари

хонага ташриф буюрганларни жанубий деворда тасвиirlанган файри оддий ҳайвонларнинг расми ҳайраттга солган. Чунки бу файри табиий ҳайвонлар жуда маҳорат билан ўйиб ишланган. Шабҳасиз қабулхонанинг ўйма нақшлари меҳмонларга кучли психологик таъсир кўрсатган. Бир томондан қабулхонанинг гўзаллиги, нақшларнинг нағислиги меҳмонга сирли таъсир кўрсатса, иккинчи томондан файри оддий ҳайвонларнинг расми бу сирликни янада оширган, таъсирчанликни кучайтирган. Бунинг устига қабулхонанинг томида жойлашган турли рангдаги шишалар билан безатилган панжара орқали тушаётган ёруғлик залга янада сирлилик бағишилаган.

Меҳмонлар саройнинг маҳобатидан, гўзаллигидан ҳайратга тушгандар. Қабулхонанинг кўриниши ва ички безаклари асрлар давомида катта қисми емирилганига қарамасдан, ўзининг ilk таъсирчанлигини ҳозир ҳам йўқотмаган. У замондошларимиз қалбida ҳайрат туйғуси ни уйғоталди, ганчкорларнинг санъатига таҳсинлар ўқигинг келади. Халқимиз минг бор эшитгандан, бир бориб ўзинг кўр деган. Биз бу саройни қанчалик кўп таърифламайлик, бари бир уни тўлиқ ёритишга қалам ожизлик қиласди. Шунинг учун эътиборингизни қабулхонанинг жанубий деворини безатиб турган файри оддий ҳайвон тасвиirlанган паннога жалб этамиз (6-расм).

Саройнинг ўйма ганч нақшлари ўзининг ранг-баранглиги, гўзаллиги, нағислиги ва бадиий баркамоллиги билан Ўрта Оси-



ёда ҳозирча бизга маълум бўлган ўйма нақшлардан ажralиб туради. Ҳайвонларнинг расми жуда ноёбдир. Чунки XIV асртагача бўлган Ўрта Осиё меъморчилигига ҳайвонларни тасвиirlаш одат бўлмаган. Саройни безаган нақшларни кўрган одам Термиз ҳокимига эмас, балки бу на

қшларни яратган номаълум ганчкорларнинг ўлмас санъатига қойил қолади ва таҳсиллар ўқийди.

## КУЛОЛЛАР МАҲАЛЛАСИ

Қадимий Термиз харобалари узра юрар экансиз беихтиёр сиз унда сон-саноқсиз турли туман сопол идишларнинг синиқларини кўрасиз. Улар шаҳарнинг ҳамма жойига сочилиб ётибди. Бу ерда турли бўёқлар билан сирланган коса, пиёла, лаган, кўза ва тоғораларнинг минглаб парчаларини учратамиз. Идишлардаги бўёқларнинг ранги шунчалик тиниқки нақшлари шунчалик ранг-баранг, гўзал ва нафиски одамларни ҳайрон қолдиради. Уларни кўрган киши наҳотки шу сопол идишлар бундан 1000 йил илгари тайёрланган бўлса, деган саволни беради. Ишонгинг келмайди. Лекин ҳақиқатдан ҳам бу шундайдир. Улар асрлар давомида ер бағрида ётган бўлсалар ҳам, ўз сифатини ва тиниқлигини йўқотмаган. Археологлар бу сопол идишларнинг шакли, бўёқларининг рангига ва нақшнинг турига қараб дарров унинг қайси асрга оид эканлигини айтиб берадилар. Ота-боболаримиз тарихи ва маданиятини ўрганишда бу сопол идишларнинг аҳамияти жуда каттадир. Биринчи қараашда киши кўзига айтарли аҳамиятсиз кўринса ҳам улар ўзининг тарихий аҳамияти жиҳатидан бошқа манбалардан қолишмайди. Сопол идишлар шаҳар ва қишлоқларнинг ёшини аниқлашда уларда яшаган одамларнинг ҳаётини турмушини ўрганишда муҳим бир тилсимотдир. Улар одамлар-

6-расм

Ўймаганч. Термиз ҳолчимлари саройи

нинг фақатгина кундалик эхтиёжларини қондирадиган буюм бўлмай, балки ўз замонасининг мафкурасини маълум даражада ифода этувчи манба ҳамдир. Улар қадимги одамларнинг маданиятига, санъатига оид зарварақларини ўқишида тенгсиз ёрдамчидирлар. Шу билан бирга сопол идишларнинг кўпчилиги амалий санъатнинг ноёб дурданалари ҳам ҳисобланадилар.

Термиз кулолчилик тарихи яқин вақтларгача маҳсус ўрганилмаган эди. чунки Термизда археологик ишлар олиб борган олимлар кўпроқ ўз эътиборларини юқорида ҳикоя қилган Термиз ҳокимлари саройи, Қоратепа, Фаёзтепа каби ноёб обидаларни ўрганишга қаратганлар. Ваҳоланки, 30-йилларнинг ўрталарида ёк профессор М.Е.Массон Термизнинг бир неча жойларида турли асрларга оид кулоллар маҳалласи борлигини қайд қилган эди. Сўнгги йилларда Термиз кулолчилик тарихини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозир Юнон-Бақтрия, кушонлар даврига оид Термиз кулолчилиги тарихини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўрта асрга оид кулолчиликни ўрганишда ҳам бирмунча муваффақиятларга эришилди. Ушбу рисолада фақатгина ўрта асрларга оид Термиз кулолларининг маҳалласида олиб борган археологик изланишларнинг баъзи бир ютуқлари билан таништирмоқчимиз.

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган кулолчилик маҳалласи шаҳар работининг шимолий қисмида жойлашган. Бу ерда кулоллар маҳалласи борлиги археологик қазиш ишлари бошланмасданоқ олдин маълум эди. Чунки бу ерда жуда кўп сопол идишларнинг синиклари, шлаклар, ҳатто айрим хумдонларнинг излари ер юзида очиқ кўриниб ётибди. Аммо бу хумдонларнинг кўриниши, тузилиши, уларда қандай сопол идишлар пиширилгани номаълум эди. Айниқса, ўрта аср Термиз кулолчилик ҳунармандчилиги қандай уюштирилганлигини, ва бу орқали ҳунармандчилик хусусан кулолчилик шаҳарнинг иқтисодий ҳаётида қандай роль ўйнаганлигини аниқлаш керак эди. Кулолчилик маҳалласида олиб борилган археологик қазиш ишлари бу муаммолар бўйича жуда қимматли маълумотлар беради. Маълум бўлишича, бу кулолчилик маҳалласи, асосан сирланмаган сопол идишларни тайёрлашга ихтисослашган экан. Ҳозир бу ерда ўндан ортиқ сопол идишларни пиширадиган катта-кичик хумдонлар очилди. Улар ҳаммаси бир хил, яъни икки қисмдан иборат бўлиб, унинг пастки қисми ўтхона, юқори қисми сопол идишларни пишириш хонаси-

дан иборат. Уларнинг иккала қисми ҳам айланга шаклида бўлган (7-расм). Асосан, уларнинг диаметри 1-1,8 метр атрофида бўлган сопол пиширадиган хона ўтхонадан маҳсус тўсиқ билан ажратилган. Унда жуда кўп тешикчалар бўлган. Бу тешикчалар орқали иссиқ ҳаво ўтхонадан сопол пиширадиган хонага ўтган ва сополларни пиширган. Хумдоннинг деворлари, асосан ҳом фишт билан териб чиқилган. Узлуксиз хумдонда олов ёниши натижасида бу фиштлар ҳозир пишиқ фиштга айланиб кетган.

Хумдонларнинг ўтхонаси ерга қазиб қурилган. Сопол пиширадиган хонанинг усти гумбазсимон шаклда териб чиқилган. Гумбазнинг ўртасида ёки бир чеккасида маҳсус тешикча бўлиб, у орқали хумдонга сопол идишларни пишириш учун жойлаштирганлар ва тайёр бўлган идишларни олишган. Пишириш жараёнида бу тешикчалар ёпиб қўйилган. Сополларни яхши, сифатли пишириш учун хумдонда 800-900 даража иссиқлик бўлиши зарур. Бундай ҳарорат икки кун давомида сақланиб туриши керак бўлган. Агарда иссиқлик бундан паст ёки юқори бўлиб кетса идишлар яхши пишмаган ёки куйиб кетган. Шунинг учун кулоллар хумдонда сопол идишларни пишириш жараёнида бир хил ҳароратни ушлаб туришга ҳаракат қилгандар. Бу нарса кулолдан жуда кўп вақт ва моҳирликни талаб қилган. Зоро, Термиз кулоллари ўз ишларининг устаси эдилар. Кулоллар ёқилғи сифатида ёнтоқ, қамиш ва дараҳт шоҳларидан фойдаланишган.

Қазишлар давомида маълум бўлдики, очилган хумдонлар бир неча уста кулолга қараган. Ҳар бир кулолнинг иккитадан ёки учта хумдони бўлиб, уларда маълум турдаги сопол идишлар пиширганлар. Кулоллар хумдонларни қуришдан олдиноқ, уларда қандай сопол идишларни пиширишларини мўлжал қилишган. Катта хумдон-



7-расм

ларда катта идишлар, кичик хумдонларда нозик идишларни пиширишган. Топилган сопол идишларга қараганда, кулоллар маълум турдаги сопол идишларни тайёрлашга ихтинослашганлар. Ҳар бир устанинг кўзаси шакл жиҳатидан ҳам, безатиш услубидан ҳам бир-бири-

дан ажралиб туради. Ҳатто нақшларни сопол идишларга туширишда ҳар бир устанинг ўзига хос дастхати бўлган. Бу ердаги устахоналарнинг бирида маҳсус қолибларда тайёрланган турли кўзалар пиширишган. Иккинчи устахона эгаси юқори сифатли, нафис, гўзал ва чиройли қилиб безатилган кўзалар тайёрлаган. Шу билан бир қаторда бу устахона эгаси кундалик ҳаётда кенг ишлатиладиган кўзаларни ҳам пиширган. Одатда юқори сифатли ва чиройли кўзаларни устакулолнинг ўзи тайёрлаган, қолганларини эса шогирдлар ясаганлар. Хумдонларга яқин жойда идишларни тайёрлайдига ва қутигадиган хоналар топилган. Бу хоналарда лойни қориб «пиширадиган» маҳсус резервуар бўлган. Резервуарларнинг деворлари пишиқғиши билан териб чиқилган. Қазишлар давомида хоналарнинг бирида пиширилган лойга тўла шундай резервуар топилди. Кулоллар агар лой яхши пиширилмаса, сопол идишлар қутиги жараёнида ёки синиб кетишини яхши билишган. Кулоллар маҳалласида олиб борилган археологик изланишлар жараёнида жуда кўп турли-туман сопол идишлар топилди. Уларнинг аксарияти турли ҳажмдаги кўзлардир. Уларнинг кўп қисми кундалик ҳаётда кенг ишлатиладиган идишлар қаторига киради ва шунинг учун бу идишларга кулоллар унчалик жило бермаганлар. Оддий идишлар билан бир қаторда бу ерда юқори сифатли кўзалар ҳам анчагина топилди. Улар, асосан ўша даврдаги металдан тайёрланган идишларга тақлид қилиб ясалган. Бу идишлар ўзларининг бежирим шакли ва ўйиб чизилган турли нақшлари билан ажралиб туради. Нақшлар шундай жойлашганки, улар идишнинг шаклини янада бўрттиради. Идишнинг шакли ва нақши тенг мувозанатда ва уларни ажратиб бўлмайди. Агарда уларни бир-биридан ажратиб қаралса, идишнинг шакли ҳам, нақши ҳам ўзининг гўзалигини ва узвийлигини йўқотади (*8-расм*). Худди шунда

Термиз кулолларининг мөҳирлиги, юқори малакали устабўлганлиги намоён бўлади.

Айрим кўзалар шунчалик чиройли нақшланганки, уларни ҳатто таърифлаш қийин... Кулоллар оддий гометрик ва ислими нақшларни ўзаро боғлаб ва қайтариш билан шунчалик



*8-расм*

XI-XII асрларга оид кўзалар

мураккаб нақшлар ҳосил қилғанларини асти қўяберасиз... Идишарнинг айрим қисми араб ёзувлари билан безатилган. Уларнинг бирида «ал-юмн» сўзи ёзилган. Бу идишларнинг кўпчилигиги амалий санъатнинг ноёб дурдоналари қаторига қўшиш мумкин.


Ўйиб чизилган нақш билан безатилган Термиз кулолларининг идишларига ўхшаш идишлар ҳатто ўша давр йирик кулолчилик марказлари ҳисобланган Самарқанд, Марв, Бухоро, Бинкентда ҳам жуда кам учрайди. Зеро, бу фақат Термиз кулолчилик мактабига хос бўлса керак.

Кулолчилик маҳалласида ҳаёт бугун Термиз шаҳридаги каби мўғул-татар босқинчиларининг юришлари натижасида тўхтади. Босқинчилар шаҳар мудофаа деворлари олдида тўсатдан пайдо бўлган бўлсалар керак. Чунки кулоллар хумдонлардаги маҳсулотларни ҳатто олишга ҳам улгурмаганлар. Бир қанча хумдонлар пиширилаётган сопол идишлари билан тўла қолиб кетган ва шу ҳојда улар бизгача етиб келган. Идишларнинг кўпи синган, бутунлари ҳам оз эмас. Бу ҳол археологлар учун жуда қимматли маълумотлар бериб, Термиз кулолчилик тарихининг янги сатрларини очишга ёрдам беради.

## ШАҲАР ХОНАДОНИГА ТАШРИФ

Шаҳардаги минглаб уйлар шаҳристон ва рабод қисмида жойлашган. Булар қадимги меъморларнинг шаҳар қурилишига катта эътибор берганинигидан далолат беради. Ҳар бир уй шаҳарнинг умумий кўрининшига мослаштириб қурилган. Албатта, бундай уй соҳибининг шаҳар ҳаётида туттган ўрни, ижтимоий келиб чиқиши ҳам катта роль ўйнаган бўлиши керак. Ҳозир бу уйлар катта-кичик тепаликларга айланган бўлиб, улар ўз қаърида шаҳар аҳолисининг турмушини ҳар томонлама ёритувчи турли-туман моддий манбаларни сақлаб келмоқда.

Шаҳар аҳолисининг уйи, турмуши қандай бўлган? Бу саволлар ҳозир Термизда ишлаётган археологларни жуда қизиқтирилоқда. Дарҳақиқат, бу борада бир қанча топилмалар қайд қилинган, бир қанча шаҳар уйлари очиб ўрганилди. Бу қазишлар юқорида қайд қилинган муаммолар тўғрисида жуда қимматли маълумотлар беради. Қуйида шаҳар уйларидан бирида олиб борилган археологик қазишишларини айрим натижасини эътиборингизга ҳавола қиласиз. Бу



9-расм

XI-XII аср бошларига оид уйнинг  
умумий кўрининши

уй харобаси шаҳар рабодининг жануби-шарқий қисмида, бир қарашда уй жойлашган тепалик, шаҳар ҳудудидаги бошқа дўнгликлардан ҳеч фарқ қылмайди. Фақатгина тепаликнинг айрим жойларида қадими ги уй деворларининг қолдиқлари кўриниб турибди. Тепалик устида сопол ва шиша идишларнинг парчалари кўп. Бу нарса археологлар эътиборини ўзига жалб этди ва тепалик сирларини очишга чорлади. Изланишлар уч йил давом этди. Натижада, шу тепалик ўрнида иккι даврга оид 20 дан ортиқ пахса ва хом гиштдан қурилган хоналар очиби ўрганилди<sup>1</sup>. Бу хоналар тўғри тўртбурчак шаклидаги усти очиқ

<sup>1</sup> Пидаев Ш.Р. Хозяйственно-жилой комплекс XI - начала XIII веков на городище Старого Термез // Архитектура и строительства Узбекистана. № 11, Ташкент, 1986, С.8-10


ховли атрофига жойлашган (9-расм). Ҳовлига тўртта эшик чиқсан бўлиб, улар бир-бирлари билан эшиклар орқали боғланган. Дарвоза ҳовлиниң шимолий томонида жойлашган. Эшикларнинг ҳовлига чиққан қисми аввал ўзига хос бурчаклар билан безатилган. Бу эса ҳовлига ўзгача кўрк бахш этган. Кейинчалик бу бурчаклар бекилиб, усти текис қилиб сувалган ва турли нақш билан безатилган. Бу нақшлар ҳовлиниң кўркини очиб юборган. Ҳовли атрофига жойлашган хоналар, асосан тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, улар бир неча қават лой сувоқ билан сувалган. Хоналарнинг айримлари ганч билан сувалган. Устидан турли нақшлар ишланган. Нақшлар, асосан геометрик, эпиграфик ва ўсимликсизон характеристика бўлган. Бу расмлар юпқа ганч сувоқ устига қора, ҳаворанг, қизил, жигарранг бўёқлар билан чизилган. Бу расмлар қарийб етти аср ер остида ётганига қарамай, бўёқлари тинчилигича қолган. қадимги рассомларнинг мөҳирлиги мана шунда намоён бўлмоқда. Баъзи хоналарнинг деворлари лойига ўйиб ишланган турли мазмундаги нақшлар билан безатилган. Ҳусусан бу ерда барг, балиқ ва геометрик шаклдаги нақшлар учраган. Нақшларнинг бу тури Ўрга Осиё шаҳарларида жуда камдан-кам учрайди. Хоналарнинг кўпчилигини поли турли шаклдаги пишиқ фишлар билан ишланган. Бу нарса хоналарга ўзгача файз бахш этади. Хона деворлари қалинлиги 70-120 см атрофига. Нима учун деворлар бундай қалин бўлган? Маълумки, Ўрга Осиё шароитида ва айниқса Термизда ёзда иссиқ, қишида совуқ бўлади. Агар уй деворлари қалин бўлса, ёзда салқин, қишида иссиқ кўп сақланади. Шунинг учун Ўрга Осиё меъморлари бунга катта эътибор беришган. Археологик қазилмалар бу уйнинг турли хоналардан ташкил топганлигини ва уй қурилишида маълум меъморчилик қонунларига риоя этганигини кўрсатади. Албагта, бундай уй соҳибининг иқтисодий асоси катта роль ўйнаган. Уйнинг бир қисми меҳмонлар учун мўлжалланган. У бир неча хоналардан иборат. Асосий меҳмон қабул қилинадиган хона анча катта майдонни эгаллаган. Хонанинг деворлари нақшлар билан безатилган. Ости эса пишиқ фиш билан тортилган. Хонанинг ўргасида квадрат шаклидаги майдонча бўлиб, у пишиқ фишлар билан сув ўтказмайдиган қотишмадан териб чиқилган. Майдончанинг ўргасида хум бўлиб, сув шу хумга йифилган. Майдончанинг тепаси очиқ, тўрт бурчакда фишдан терилганустун бўлиб унинг томини шу устунлар ушлаб турган ва нақшлар безатилган. Бу тартибда қурилган меҳмонхоналар бизда биринчи топилиши.

Уйнинг иккинчи қисмидаги аёллар яшаган. У бир неча хоналардан иборат. Бу хоналар кўркамлиги билан ажralиб туради. Бу ерда

күплөб тақынчоқлар, сифатли сопол идишлар, түғногичлар, усмадонлар ва қош тергичлар топилди. Үйнинг учинчи қисми айвон ва катта очиқ ҳовлидан иборатдир. Ҳовлида тандир ҳамда ҳожатхона жойлашган. Айвон жануби-ғарбга қараб қурилғанлыги сабабли қүёш бу ерга кун ботишдагина тушган. Шунинг учун жазира маисиқда бу ерда яхши дам олиш мумкин бўлган. Айвоннинг устунлари олтин суви юритилган эпиграфик нақшлар билан безатилган. Үйнинг тўртинчи қисми бигта хонадан иборат бўлиб, бу ерда уй ҳаммоми жойлашган. Хонанинг бир бурчагида маҳсус сув ўтказмайдиган эритмада пишиқ фиштдан терилган кичикроқ ҳовузча топилди. Ҳовузчанинг олдиға иккита хум турган. Совуқ сув маҳсус қувур орқали оқиб келган. Кўриниб туришдики, бу үйнинг қурилишида ҳамма нарса инобатга олинган. Бу үйнинг харобаларидан топилган турли археологик топилмалар уй эгасининг турмуш тарзини ҳар томонлама ёритиб бериши билан бирга, шаҳар аҳолисининг маданияти ҳақида тасаввур олишга имконият тудириди. Топилган нарсалар орасида сопол идишлар алоҳида ажралиб туради. Бу ерда лаган, пиёла, турли кўза, хум, қозон, чироқдонлар топилган. Улар ўзининг бежирим шакли, юқори сифати ва ғоятда нафис ишланган турли мазмундаги расмлари билан ҳозир ҳам инсонни ҳайратга солади. Бу сопол идишларга қараб, XI-XIII асрларда Термизда тараққий этган ва ўзининг анъаналярига эга бўлган кулолчилик мактаби бўлган дея оламиз.

Бу ерда шишадан ясалган идишлар ҳам ўзининг сифати, ранг-баранглиги ва шакиларининг турли туманлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари бронзадан ясалган ўсмадонлар, аёлларнинг ҳар хил тақынчоқлари топилди. Бу топилмалар орасида айниқса түғногичлар диққатга сазовордор (10-расм). Уларнинг бирида тоғ эчкиси акс эттирилган, иккинчисида эса фил устида ўтирган одам тасвирланган. Хоналарда турли даврга оид жуда кўп тангалар ҳам топилди. Уларнинг қадимгиси күшонлар даврига оидdir, энг сўнггиси эса XIII асрнинг бошларида Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан зарб этилган тангалардир.

Топилган нарсалар Термиз аҳолисининг юксак тараққий қилган моддий ва маданий ҳаётидан гу-



10-расм

Бронзадан тайёрланган түғногич

воҳлик беради. Топилмаларга асосланиб, биз бу уй XII асрнинг охирларида қурилган дея оламиз. XII асрнинг ўрталарида бу ерда катта таъмирчилик ишлари олиб борилган. 1220 йилда бу уйга шаҳардаги бошқа уйлар қатори ўт қўйилган. Ёнгин асоратлари уйнинг бир неча жойида из қолдирган. Уй қурилишига қараб, уйнинг соҳиби ўзига тўқ шаҳарлик бўлган деб ҳисоблаймиз. Эҳтимол, у шиша тайёрлайдиган идишлар устахонасининг эгаси бўлгандир. Чунки, қазишлар пайтида бу ерда жуда кўп шиша идишлар ва уларнинг яроқсизлари, тошқоллар топилган. Изланишлар давом эмоқда. Аминмизки, бу изланишлар Термиз аҳолисининг моддий маданияти ҳамда турмушини янада мукаммал ёритиш учун янги топилмалар тақдим этади.

Кўҳна Термиз шаҳрига асрлар оша саёҳатимизни якунлар эканмиз, бу ерда шуни янабир бор қайд қўймоқчимизки, бизлар кептирган маълумотлар шаҳар тарихидан кичик бир лавҳа, холос. Ҳозир олимларимиз қўлида шаҳар тарихи ва маданиятини ёритувчи манбалар анчагина. Бир қанча маҳсус китоблар нашр этилди. Шундай бўлсада, шаҳар харобалари ўз бағрида қанчадан-қанча ноёб манбаларни саклауб келмоқдада. Археологлар эса изланишларини давом эттирмоқдалар... Аминмизки, бу аср кўҳна Термиз тарихини янги зарварақларини очишга ёрдам беради.

---

Ш. ПИДАЕВ

### ҚАДИМИЙ ТЕРМИЗ

Муҳаррир М.СОДИҚОВА

Тех. муҳаррир В. ДЕМЧЕНКО

Компьютер устаси Л. СОБИРОВА

Босишига 21.11.2001 й. рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоги . Адади 1000 нусха. Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма № 230

ЎзР «Фан» нашриёти: 700047. Тошкент,  
Я.Фуломов кўчаси, 70.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази  
босмахонасида чоп этилди.

Тошкент, 700113, Чилонзор-8, Қатортол, 60.

